

7-10-2019

THE ROLE OF GENDER FACTORS IN FORMATION OF PERSONALITY SPEECH

Shavkatjon Ashurovich Abdurahmonov

Namangan State University Doctor of philosophy (Ph.D.) Namangan State University Lenior lecturer of the department of uzbek language and literature, candidate of philological sciences.

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Abdurahmonov, Shavkatjon Ashurovich (2019) "THE ROLE OF GENDER FACTORS IN FORMATION OF PERSONALITY SPEECH," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 32.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/32>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THE ROLE OF GENDER FACTORS IN FORMATION OF PERSONALITY SPEECH

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ГЕНДЕР ОМИЛЛАРИНИНГ ШАХС НУТҚИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Абдурахманов Шавкатжон Ашурович

Наманган давлат университети филология фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада лингвоперсоналогия соҳасида гендер муаммоси ҳақида сўз боради. Аёл ва эркакларнинг нутқидаги алоҳидалик матн асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: лингвоперсоналогия, гендер, лисоний фаолият, лисоний шахс, индивидуал хусусият.

РОЛЬ ГЕНДЕРНЫХ ФАКТОРОВ В ФОРМИРОВАНИИ РЕЧЕВЫХ НАВЫКОВ ЛИЧНОСТИ

Абдурахманов Шавкатжон Ашурович

Наманганский государственный университет

Кандидат филологических наук

Аннотация: В статье освещены гендерные вопросы в лингво-персоналогическом аспекте. Дано научное обоснование особенностям речи женщин и мужчин, а также приведён анализ конкретных примеров.

Ключевые слова: Лингво-персоналогия, гендер, языковая деятельность, языковая личность, индивидуальные особенности.

THE ROLE OF GENDER FACTORS IN FORMATION OF PERSONALITY SPEECH

Abdurahmonov Shavkatjon Ashurovich

Namangan State University

Doctor of philosophy (Ph.D.)

Namangan State University

Lenior lecturer of the department of uzbek language and literature, candidate of philological sciences.

Abstract: In this article, gender problems in linguopersonology will be discussed. The difference between men's and women's speech will be detailly explained as a text.

Key words: linguopersonology, gender, linguistic action, linguistic person.

Жаҳон тилшунослигида тил ва нутқ ҳодисаларининг фарқланиши, ижтимоий нутқ кўринишларининг чуқур таҳлилга тортилиши, тил ҳодисалари таҳлилда диалектик категорияларнинг методологик мезон сифатида танланиши янги соҳа ва йўналишларнинг ўрганилишига кенг йўл очиб берди. Айниқса, лингвогеранталогия, онтолингвистика, лингвоперсоналогия каби соҳаларнинг чуқур тадқиқ этила бошлаши инсон, яъни алоҳида шахс нутқини ҳам таҳлилга тортиш эҳтиёжини вужудга келтирди. Муайян (индивидуал) шахс нутқининг ўзиёқ у сўзлаётган тилга мансуб бўлган халқнинг бутун маданиятини, анъаналарини, қадриятларини ифодалай олади. Ёши, ижтимоий ҳолати, жинси, характер-хусусияти, дунёқараши, дини, эътиқоди турлича бўлган шахс (айниқса,

мутафаккир)ларнинг нутқини тил нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил этиш кейинги авлодлар учун тилнинг муайян даврдаги лексикаси, морфологияси, синтаксиси, диалект ва бошқа жиҳатларини билиш учун манба вазифасини ўтайди. [2, 317]

Тилнинг объектив хусусиятига мувофиқ равишда антропосентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади. В. А. Маслова таъкидлаганидай, инсон ақлини инсоннинг ўзидай, тилдан ва нутқ яратиш ҳамда нутқни идрок қилиш қобилиятидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. [4, 56]

Зеро, индивидуал шахс нутқида халқ маданияти, маънавияти, дунёни идрок эта олиш салоҳияти, дунёқараши тил орқали акс этади. Индивидуал шахс нутқини унинг ёши, жинси, касб-кори, дунёқараши, билими, руҳий ҳолати, жисмоний ҳолати, ижтимоий муҳит, замон, макон билан боғлиқ ҳолатда ҳар томонлама ўрганиш тилнинг серқирра, мослашувчан, бетакрор моҳиятини англашга ёрдам беради. Индивидуал шахс нутқини ўрганиш ҳозирги кунда лингвоперсонология термини билан аталмоқда. Бу соҳаснинг кўлга киритган ютуқлари нафақат тилшунослик учун, балки телекоммуникация, ОАВ, криминалистика, жиноят қидирув бўлимлари ходимлари, шифокорлар, педагоглар, тил, юрт ўрганувчилар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда дунё тилшунослигида лингвоперсонология соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами ортиб бормоқда.

Лингвоперсонология соҳасида гендер муаммоси фаннинг асосий таянч тушунчаларидан ҳисобланади. Жаҳон тилшунослигида гендер муаммоси турли аспектларда ўрганилган.

Маълумки, эркак ва аёллар ўртасидаги фарқ гендер термини остида тадқиқ этилмоқда. Гендер тилшунослиги бирор жинсга мансуб шахснинг ижтимоий жараёнларда ёки ҳаётнинг бошқа жабҳаларида бажарадиган роли билан боғлиқ муоммоларни ўрганади. Зеро, гендер омиллар ўзига хос лисоний бирликларни кўллаш орқали шахс нутқининг шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Бинобарин, аёл ва эркак жинсига мансуб кишилар ўзига хос белгилари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Бу фарқланувчи белгилар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Либослардаги фарқ.
2. Хатти-ҳаракатлардаги фарқ.
3. Юришдаги фарқ.
4. Мимикадаги фарқ. Айниқса, аёлларнинг сўзлаш жараёнидаги мимикалари ўзига хос: қошларни учиритиш, лаб буриш, кўз сузиш ва бошқалар.
5. Сўзлаш манераси, оҳанг ва талаффуздаги фарқ.
6. Сўз кўллашдаги, мурожаат шаклларидаги фарқлар.

Ана шу ташқи белгиларига кўра аёл ва эркак (киши) жинси вакиллари бир-бирларидан ажралиб турадилар. Чунки аёл ва эркаклар ўртасидаги, уларнинг нутқда учровчи сўзлар ва оҳангдаги фарқлар диққатга сазовордир. Айниқса, аёлларга хос мурожаат қилиш шакллари, эмоционал муносабат ифодаловчи

“ўргилай”, “айланай”, “гиргиттон”, “гиргиттон бўлай”, “жоним тасаддуқ”, “қоқиндиқ”, “вой ўлай” каби сўз ва иборалар ҳамда турли қарғишни ифодаловчи сўз-иборалар мавжудки, улар нутқ жараёнида ўзига хос оҳангга эга бўлиб, аёлларнинг характер-хусусиятларини кўрсатиб туради. Аёллар нутқида қўлланувчи эмоционал муносабат ифодаловчи сўзлар талаффузда алоҳида эркаловчи майин оҳангга эга бўлади.

Шу пайт Лолахон ҳали энги ўрнатилмаган кўйлакни этагидан судраб кирди.

- Опа-чи, опа, аям менга кўйлак тикиб бердилар.

Жудаям кўйлагим кўп. Қизил кўйлагимни кўрсатайми?

Хотин югуриб келиб унинг қўлидан кўйлакни олди.

- Вой, қизим тушмагур-э, ҳали битгани йўқ-ку.[5, 57]

Нимасини айтасиз, ўргилай. Қийинлигим бор, осонлиги ҳам бор. Осонлигини айтсам шуки, қоқиндиқ, эркаклар бригадасида тушлик бир соат. Хотинлар бригадасида икки соат. Бир соат овқатга, бир соат бола эмизишга... Ҳа, айтганча, нимаси кўп уларнинг тугиши кўп. Бешик тўйига ҳам мени чақираверишади. Мен ҳам бир кийим штапелни қўлтиқлаб сузилиб кириб боравераман...[5, 460-463]

Аёлларга хос нутқ қурилишида айрим морфологик шакллар ҳам алоҳида аҳамият касб этади:

Вой, айланай сиздан эгачи, танимабмиз-а.

Келинг, бошқатдан кўришайлик. Эсонмисиз, омонмисиз... Биз ўғирликка келувдик-а...[6, 211]

Ижтимоий ҳаёт ва муносабатларни акс эттирувчи нутқ шаклланишида ҳам лексик бирликларни қўллашдаги гендер фарқлар яққол кўзга ташланади.

Хотин машаққат билан ўрнидан турди-да аста-секин юриб Қундузхон ўтирган уйга кирди. Қундузхон ҳамон онасининг суратига термулиб, хомуш ўтирарди. Хотин ҳам суратга қаради.

“Қани эди, ўз болаларингга ўзинг бош бўлсайдинг, бахтини кўрсайдинг. Мен сенинг бахтингга шерик бўлмоқчи эмасдим... Сенинг йўқлигингни билдирмасам, болаларинг аёзда совқотмаса, кири ювуқсиз, қозони осиксиз қолмаса, дейман. Уларни ўзинг ният қилгандек тарбия қилсам, дейман. Байрамларда, тўю томошаларда ўксинмаса, етимлиги билинмаса, дейман...” [5, 58]

Аёллар ўз хурсандчилигини баъзан юқори даражадаги эмоция ва турли новербал ҳодисалар (қичқириб юбориш, қарсак чалиш каби ҳолатлар. Бундай ҳолатлар асосан, қизларда учрайди) орқали намоён этса, эркаклар ўз қувончини босиқлик билан ифодалайди. Аммо шахсининг салбий хислати бўлмиш жаҳл қилиш, ғазабланиш аёлларга нисбатан эркакларда кучлироқ номоён бўлади. Аёллар жаҳли чиққанини сукут сақлаш, жим туриш билан ифодаласа, эркаклар кўпинча ўз ғазабини бақирриш, сўкиш ва бошқа новербал ҳодисалар орқали номоён этади.

Аёллар ва эркаклар нутқининг ўзига хос жиҳати қарғиш ва сўкишларни ёш жиҳатдан таққослаганда аёллар нутқидаги қарғишлар 40 ёшдан ошган аёллар ўртасида кўпроқ учрайди.

Албатта, эркаклар нутқига босиқлик, вазминлик, аёллар нутқига эса нолиш, ҳасрат қилиш каби ҳолатлар мос дея кескин фикр билдириш нисбийдир.

Шунингдек, бундай ҳолатларни фарқлашда, юқорида айтиб ўтганимиздек, шахснинг ижтимоий ҳолатини ҳам инобатга олмоқ зарур. Масалан, ўқимишли, зиёли ўқитувчи аёлнинг суҳбати билан оддий уй бекасининг нутқида фарқ бўлади.

Гендер тадқиқотлари лисоний фаолият субъектини ижтимоий биологик мақомга эга бўлган шахс сифатида таърифлаш мақсадини назарда тутиб, у социолингвистиканинг ажралмас қисмидир, дея муносабат билдириш мумкин. Социологларнинг фикрича, гендер ижтимоий нуқтаи назардан жамиятнинг эркакларга ва аёлларга ижтимоий бўлинишга тегишли ҳолларда қўлланиши мумкин. Ижтимоий омилар: тоифа, ёш, ирқ ва келиб чиқиши алоҳида гендер мазмунининг ифодаси ва тажрибасини ташкил этади. Атамашунослик нуқтаи назаридан гендер тушунчаси феминизмнинг назарий ривожланиши жараёнида, бевосита гендер тадқиқотлари жараёнида шаклланди. Гендер тадқиқотлари дунёдаги энг ёш ва истиқболли илмий йўналишлардан биридир. У ҳуқуқ, оилавий муносабатлар, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва ҳоказо соҳаларни қамраб олади.

Гендер атамаси – ҳар қандай жамиятда эркак ва аёл жинсига хос бўлган шахсга нисбатан англашиладиган хатти-ҳаракатлар ва нуқтаи назарлар бирлигидир. Гендер йўналиши марказида ҳам инсон ва унинг нутқини тадқиқ этиш муҳим объектлардан ҳисобланади.

Гендер ёндашув эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик ёки жисмоний фарқларга эмас, балки мазкур жамият томонидан белгиланган маданий ва ижтимоий хусусиятларга асосланади. Ижтимоий муносабатларнинг гендер таҳлилида гендер номувофиқлик аниқланади.

“Гендер” тушунчасининг мазмуни, аввало, жинсни ижтимоий моделлаштириш ёки ташкил этишда мужассамлашган ижтимоий жинс, ижтимоий амалиёт ёрдамида ташкил қилинади. Гендер ижтимоий жинснинг маданий ниқоби, бизнинг ўз ижтимоий маданий тасаввурларимиз доирасидаги жинс ҳақидаги қарашларимиздир.

Гендерни белгилашга нисбатан мавжуд ёндашувлар ва нуқтаи назарнинг хилма-хиллигига қарамай иккита концепцияни ажратиб кўрсатиш мумкин. Гендернинг ижтимоий тузилиш назарияси ва гендер тузуми назарияси.

Тилшуносликда гендер параметрларининг қўлланилишини тадқиқ этиш тилшуносликнинг аёл ёки эркакларга хос конструктив тамойилларини ўрганишда ҳам муҳим эканлиги ўз исботини топди. Лингвистикада гендерологик тадқиқотлардан кўзланадиган асосий мақсад аёллар ва эркаклар нутқига хос бўлган, шунингдек, ҳар иккала жинс вакилларида хос услубда воқеланган ёзма ёки оғзаки шахс нутқиларни фарқлаш кўринишидаги “лисоний асимметрия” ҳодисасининг турлари ва сабабларини аниқлашдир. Шахсларнинг оғзаки сўзлашув нутқидан тортиб, ёзма нутқигача турли тарздаги ўзига хосликлар мавжуддир. Шахсларнинг нутқ тузилиши текширилганда, аёллар ва эркаклар нутқининг фонетик, лексик-фразеологик, стилистик ва бошқа турдаги фарқлари яққол кўзга ташланади. Аёл ёки эркаклар нутқидаги, уларнинг лисоний

фаолиятидаги индивидуал хусусиятларни аниқлаш, бу борада самарали таҳлил ва тадқиқ ишларини олиб бориш талаб этилади.

Мутахассислар ҳақли равишда таъкидлаганидек, исталган турдаги шахс нутқи гендерология нуқтаи назаридан ўрганилганда, муаллиф томонидан амалга ошириладиган тил бирликлари танловининг социал, этномаданият сабабларини аниқлашга имконият яратилади.

References

1. Golev N.D. Lingvopersonologicheskaya variantivnost yazika // Izv. Alt. gos. un-ta. 2004. № 4 (44). S. 415.
2. Gumboldt V. Izbrannie trudi po yazikoznaniyu: Per. s nem. / Pod red. G.V. Ramishvili.– M.: Progress, 1984. –397 s.–str.: 317.
3. Ivansova E.V. Lingvopersonologiya. Tomsk, 2010. 160 s.
4. Mahmudov N. Til tilsimi tadqiqi. Toshkent: “Mumtoz so‘z”. 2017 y. 56-b.
5. Said Ahmad. Saylanma. III jild. Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san‘at nashriyoti. 1982 y. 57-bet.
6. Tohir Malik: “Shaytanat”, 1-kitob, 211-bet.